

Иймонсиз яшаб бўлмайди



08:00 / 02.05.2021 2374

Оқилона билим мени ҳаётнинг маъносизлигини тан олишга мажбур этди, менинг ҳаётим тўхтаб қолди ва мен ўзимга суиқасд қилиш ҳаракатига тушиб қолдим. Теварак-атрофимдаги одамларга, бутун инсониятга юзланганимда, улар яшаётгани ва ҳаётнинг маъносини биламиз, дейишаётганини кўрдим. Ўзимга назар ташладим; мен ҳаёт маъносини билимим даражасида яшаган эканман. Бошқа одамларга ўхшаб менга ҳам ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини иймон берган экан.

Ундан нарига ўгирилиб, бошқа мамлакатларнинг менга замондош ва ўтиб кетган одамларига қараб ҳам яна ўша аҳолининг ўзини кўрдим. Қаердаки ҳаёт бўлса, ўша жойда инсоният пайдо бўлгандан бери унга яшаш имконини берадиган иймон бор. Ва иймоннинг асосий белгилари ҳамма жойда ва ҳамиша бир хил.

Ҳар қандай иймон кимга ва қандайлигидан қатъий назар инсоннинг чекланган ҳаётига чекланмаган нарсанинг маъносини бахш этади ва бу маънони азоб-уқубатлар, муҳтожликлар, ўлим маҳв этолмайди. Бинобарин, фақат иймондагина ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини топиш мумкин. Шунда англадимки, сўзнинг энг муҳим маъносида олиб қарасак, иймон «кўз илғамас буюмларни» ва ҳоказоларни фош қилишгина эмас, фақат каромат эмас (бу иймоннинг сифатларидан бирининг тасвири, холос), инсоннинг Худога муносабатигина ҳам эмас (Худо орқали иймонни белгилаш керак эмас, аввал иймонни белгилаб олиб, сўнгра Худони белгилаш лозим), кўпинча, иймонни мана бундай тушун, деб одамга айтилган гапларга қўшилишгина эмас, балки иймон инсон ҳаётининг маъносини билишдир ва шу билими важдан инсон ўз-ўзини маҳв этмайди, балки яшайди. Иймон ҳаётнинг қудратидир. Инсон яшар экан, у бирор нарсага ишонади, иймон келтиради. Агар у «нима учундир яшамоқ керак» деб бирор нарсага ишонмаса, иймон келтирмаса, унда у яшамас эди. Агар у чекланган нарсани кўрмаса ва унинг хаёлий бир нарса эканини англамаса, у ана шу чекланган нарсага ишонарди; агар у чекланган нарсанинг хаёлий эканини англаса, унда у чексиз нарсага ишонмоғи керак. Иймонсиз яшаб бўлмайди.

Лев Толстой,

«Иқрорнома»дан